

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 33 - сонли

Мирзо Улугбек тумани

« 10 » август 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шахар Мирзо Улугбек туман Халк таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумталим мактаби раҳбари номидан **Низом** асосида иш юритувчи **Р.Мамбетова** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**KSY - GROUP**» номидан **Низом** асосида иш кўрувчи **Ким.С.М** иккинчи томондан Тошкент шахар Мирзо Улугбек туман Халк таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумталим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйдаги таърифлар қўлланилади;

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлигги түгрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги түгрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

-**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

-**вақтингчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини бўлиб чикиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАЗЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган холда нархларда жами **540 527 696 сум.**

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- обьектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: -барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда

- вақтингчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдони қўриклинишини таъминлаш;
  - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бирни билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюортмачига тақдим қиласди.
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат қўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган обьект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи обьектни фойдаланишга топшириш учун Буюортмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қиласди.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюортмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## **V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюортмачи:
- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект курилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор қабул қилиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюортмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
15. Объектни **45** календарь кунида фойдаланишга топширилиши белгиланади .

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллӣ валютота - «сўмда» қилинади.
17. Буюортмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдорида аванс ўтказади, бу **162 158 308,80** сўмни ташкил этади.
18. Буюортмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар **10** банк кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюортмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул килингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу обьект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, обьект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тўлаш, обьект курилишида иштирок этётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу обьект курилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
- 21.Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб тақдим қиласди. Буюортмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюортмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатларини текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюортмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини узиди саклайди. Объект Буюортмачига топширгунга кадар обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюортмачи курилиш майдонида ўз вакилини ёки техник аудиторни тайинлади, у Буюортмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида

ишиларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиши хукукига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишиларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишиларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимидаги кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишиларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишиларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишиларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишиларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишилар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишиларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишиларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишиларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишиларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тухтаб колишилар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишиларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у холда ишиларни бажариш дафтаридаги ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилшига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиг булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишиларни давом этириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишиларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилшини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишиларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишиларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонламида далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишилардаги нуксонлар ва чала ишиларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишиларни бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
  - ишиларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўйлаган холда, Пудратчи томонидан ишиларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишиларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмагандা; конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор килиншга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
39. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томониlama бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## **XII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплади.
42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объекtni iш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб туринган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - шартнома шартларига мувофиқ тайёр холда кабул килиш учун тақдим килинган объекtni асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечкитирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига кадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - объекtni шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишли комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айборд тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.
45. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор килиншга туғри келса, айборд тамон иккинчи тамонга барча зарарларни коплади, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенилари шартнома кийматининг 30% дан ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

## **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор килиншда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

#### XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулити.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупсияга карши курашиш тўғрисида"ги конун талабларига сўзсиз амал килади.
50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишига олиб келадиган харакатлар (харакатсизлик)га йўл кўймайдилар.
51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши курашиш соҳасидаги талабларига риоя этиш баробарида куйидагиларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар:
- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик килиш;
  - товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
  - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.
52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларнинг рағбатлантиришнинг хар кандай шаклини рад этадилар.жумладан:
- тарафларнинг ёки вакилларидан маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу харакат (харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар кандай харакатни бажаришни.
53. Тарафларга шартнома шартларни амалга оширишда сунъий тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупсиявий омил пайдо бўлишига бевосита хамда билвосита сабабчи бўлиш такикланади.
54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя кильмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килингандек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган кондайлардан бири содир этилганда ушбу харакат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади хамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.
56. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.
57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартирлиш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакиқий хисобланади.
58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чинмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартирлишлар шаклида ёзма равишда тасдиклиши керак.
59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хаклидир.
60. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартирлишлар киритилса кайта кўриб чиқилади.
61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кўлланилади.
62. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асоссан Фазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал килади.
63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БЮОРТМАЧИ:

ООО «KSY-GROUP»	Тошкент шахар Мирзо Уlugбек туман Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига иҳтинослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
Манзил: Тошкент ш., М.лугбек тумани, БИЙ, 232-234	Манзил: Оккургон кучаси 34-үй
Телефон: +99890 370 – 63 -02	Телефон: +99871 235 35 72
х/р: 20208000305090433001	х/р: 100010860262697092100075003
ИНН: 306 490 337	ИНН: 201156124      ОКЭД: 82200
Банк: ОПЕРУ Қапитал банк	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 00.974	х/р: 23402000300100001010
ОКЭД: 2990	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	МФО: 000049      ИНН: 201122919

Рахбар  
МЎ

Хукукшунос

Р. Мамбетова

2186450



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"KSY-GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'sratilgan holdagi to'liq nomi)

**"KSY-GROUP" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.06.2019

731893

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306490337

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak Yo'lli ko'chasi, 232-234-  
uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Мактаб директори

Р.З.Мамбетова

«10» Август 2022 йил

Тошкент ш.

**Нотураржой биноларини таъмирлаш бўйича конкурс**

**БАЁННОМАСИ № 129328/1**

Кун тартибидаги масала.

Ташкилотда нотураржой биноларини таъмирлаш хизмати буйича тузилган баённомага билдирилган эътиrozлар туғрисида. (Лот№22110012129328)

Комиссия раиси: мактаб директори Р.З.Мамбетова

аъзолари:

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари К.Т.Рўзиев

Бош ҳисобчи С.Ш.Мухаммадиева

Бош ҳисобчи ўринбосари С.С.Эргашев

Ўқитувчи Т.Ж.Мусаев

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси сўз олиб, мактаб биносини таъмирлаш хизмати буйича **06.08.2022** йилда энг яхши таклифни танлаш ғолибини аниқлаш туғрисидаги № 129328/1-сонли баённома (лот№22110012129328) тузилган бўлиб, ушбу баённома буйича **икки Иш кун** давомида баённомада кўрсатилган ташкилотлар томонидан мактаб комиссияси аъзоларига хеч қандай эътиrozлар келиб тушмади.

Комиссия раиси: мактаб директори

Р.З.Мамбетова

аъзолари:

ХИБДУ

К.Т.Рўзиев

Бош ҳисобчи

С.Ш.Мухаммадиева

Бош ҳисобчи ўринбосари

С.С.Эргашев

Ўқитувчи

Т.Ж.Мусаев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 129328 на приобретение Нотураржой биноларини таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 06.08.2022

Время рассмотрения 06.08.2022 10:55

Конкурсная комиссия Государственная специализированная общеобразовательная школа с углублённым изучением филологических предметов при МНО РУз, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAMBETOVA RABIGA ZULPIXAROVNA	Maktab direktori	Filologiya maktabi
<b>Секретарь комиссии</b>	MAGDAMINOV IGAMBERDI NIGMATOVICH	Bino ishchisi	Filologiya maktabi
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV SARVAR SAID O'G'LI	Бухгалтер	-
<b>Член комиссии</b>	MUSAYEV TURABEK DJURABAYEVICH	Ўқитувчи	Филология мактаби
<b>Член комиссии</b>	MUXAMMADIYEVA SOHIBA SHUKURULLAYEVNA	Бош хисобчи	Филология мактаби
<b>Член комиссии</b>	RUZIYEV QAXRAMON TOG'AYEVICH	ХИБДУ	Филология мактаби

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 06.08.2022 года № лота 129328.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	1. Мактаб биносининг спорт залини таъмирлаш 2. Мактаб биносининг фаоллар залини таъмирлаш 3.Maktab ichki binosi va bino sinf xonalari suv uzellarini joriy ta'mirlash сифатли ўз вақтида бажариш шарти билан
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	620 000 000.00
Стартовая сумма	620 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Талабгорнинг объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлар билан танишганлиги, қурилиш объектини жойида ўрганганлик тасдиғи

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари билан танишганлиги учун – 5 балл, қурилиш объектини жойига бориб ўрганганлигини фойдаланувчи (мактаб директори) томонидан имзо қўйиб тасдиқлаганлиги учун – 5 балл (мухирланган холда булиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО KSY-GROUP</b>	30	Илова юкланди	30	Экспертная		
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	30	Илова	20	Экспертная		
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	30	30	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №2 TANLASH ISHTIROKCHISINING MOLIYAVIY KO`RSATKICHLARI

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йигимларни тұлаш бүйича муддати үтган қарздорлығы ва Үзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картатека мавжуд әмаслиги хакида маълумот ( Ф-1, Ф-2)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО KSY-GROUP</b>	20	Илова килинди	20	Экспертная		
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	20	Илова	20	Экспертная		
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Объектни ўз вақтида сифатли топшириш, таъмирлаш объектини жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банқда объект шартнома суммасининг 20 % миқдорида пул маблағлари мавжудлиги, ишларни бажаришнинг умумий графиги мавжудлиги,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО KSY-GROUP</b>	10	Илова юкланди	10	Экспертная		
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	10	Илова	10	Экспертная		
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	10	30	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №4 Талабгор ташкилотнинг 3 йиллик ухшаш объектлар бүйича иш тажрибасига эга эканлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома, иш наымналари ва тажрибали ишчи ходимлари түгрисида маълумот. Иш тажрибаси 3 йилдан кам булган талабгорларнинг таклифлари куриб чиқилмайди, Гувохнома учун 10 баллдан (Макс 30 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО KSY-GROUP</b>	30	Илова юкланди	25	Экспертная		
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	30	Илова	10	Экспертная		
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	30	30	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №5 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур курилиш техникалари ва кичик механизмларга эга эканлиги бўйича

Тип: Текстовое значение

Описание: тамирлаш ишларини сифатли бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО KSY-GROUP</b>	10	Илова	9	Экспертная		
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	10	Илова	5	Экспертная		
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	10	10	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО KSY-GROUP</b>	620 000 000.00	540 527 696.00 UZS	540 527 696.00	00.00	540 527 696.00	05.08.2022 10:50:55	00.00
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	620 000 000.00	560 000 000.00 UZS	560 000 000.00	00.00	560 000 000.00	05.08.2022 14:59:47	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЧП ISLOM AVTO DIZEL</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО KSY-GROUP</b>	94	0	94
<b>QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ</b>	65	0	65

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 129328 от 06.08.2022 года на приобретение Нотураржой биноларини таъмирлаш определила победителем:

ООО KSY-GROUP  
306490337

и резервный исполнитель: QO`SHABOY OTA ORZULARI MCHJ (308983250)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MAMBETOVA RABIGA ZULPIXAROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV SARVAR SAID O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUSAYEV TURABEK DJURABAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUXAMMADIYEVA SOHIBA SHUKURULLAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RUZIYEV QAXRAMON TOG'AYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП